

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 24 (65900)
1996 йил, 13 апрель, шанба

Сотувда
эркин нархда

«АЛИФБЕНИ

ЭНДИ

МЕН...

«Алифбе» байрами бўладиган кун. Умида мактабга ҳаммадан олдин келаяпман, деб уйлаганди. Йўқ, янглишган экан. Устозлари Гулрух опа, Дилдора опа, қолаверса, ҳамма синфдошларини шу ерда учратди. Улар Умидадан ҳам чаққон чиқиб қолишибди.

— Биласанми, сира уйқум келмади, меҳмонлар олдида янглишиб қоламанми, деб қайта-қайта тайёрландим, — сирли равишда деди Зиёда.

— Қани, байрам сценарийсини яна бир бор такрорлаб олайлик, — барчани ёнига чорлади



Гулрух опа. — Қани, «а» қаерда, «о» ва «н» ким, бу ёққа?!

Албатта сиз гап «Алифбе» байрами тўрисида кетаётганини тундундигиз, шундайми?

Ушбу тадбир яқинда Тошкентдаги 228-мактабда бўлиб утди. Болалар «Алифбе»даги ҳар бир ҳарфга бағишлаб

ўзлари ёзган шеърлар, қушиқларни намоиш этишди. Уйин-кулги, рақс ижрочилари ҳаммани хурсанд қилди. Айниқса, бу ерда ҳозир бўлган устозлар, ота-оналарга «Бошгинам оғрийди» ҳазил қушиғи жуда ёқди. Сабаби, унга кичкинтойларнинг ўзлари бошқа — ўз ҳаёт-

ларидан олинган сўзлар қушиб айтишган эдида.

Тадбир сўнгида «Алифбе» байрами иштирокчилари бўлган кичкинтойларнинг ҳар бирига «Шарқ халқ эртақлари» китоби совға қилинди.

Суратларда: «Алифбе» байрамидан лавҳалар. Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.



БИР

ҲАФТА

ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистондаги сармоялар ҳақида қўлланма» номли китоби Парижда нашр этилди.

Буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги Республикада кенг нишонланди.

Сурхондарё вилояти Отчопари базасида болалар ва ўсмирлар учун от спорти мактаби очилди.

Сирдарё вилоятида етим болалар ва болалар уйлари тарбияланувчилари учун маблағ тўплаш ойлиги ўз ниҳоясига етди. Унда жаъми 700 миң сўм пул йиғилди.

Самарқанд вилояти болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида мактаб ўқувчилари ўртасида «Сўғдиёнанинг энг ёш гўзали» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Саховатли олим Усмонжон Мирзаев Жалолқудуқ туманидаги 1-мактабнинг элликка яқин муаллималари ва кам даромадли оилалар фарзандларига хорижда тикилган турли кийим-кечаклар совға қилди.



БИР ТУМАНДАН ИККИ ХАБАР

ҲАМКОРЛИКДА ТАЙ КҮН

Касби туманидаги талайгина мактабларнинг болалар ва ўсмирлар ташкилотлари стакчилари фаолиятига ҳавас қилса арзийди. Чунки мактабларда утказиладиган турли хил адабий кечалар, фан ва ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар, улкамизнинг тарихий обидалари буйлаб саёҳатлар, хуллас, барча ибратли тадбирларга улар бош-қош.

Яқинда туманидаги мактабларда болалар стакчилари ташаббуси билан «Металл парчалари — Ватанга!» номли ўқувчилар ҳашари уюштирилди. Ҳашарда тумандаги барча мактаблар, хусусан, Ойбек, Ҳайит Хужаматов ва Тилохат Қобилова номли мактабларнинг ўқувчилари фаол иштирок этиб, ҳаммадан кўп металл тўплашга муваффақ бўлишди. Туман мактаблари буйича тўпланган металл 140 тоннадан ошиб кетди. Бу тадбирда жонбозлик курсатган стакчилар ва ўқувчилар туман халқ таълими томонидан бадиий китоблар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Туманда таълим соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларнинг яна бир гарови — мактаблар билан болалар боғчалари ўртасидаги ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилганлигидадир. Бундай ҳамкорлик ўзининг ижобий самараларини берапти. Утган ўқув йилида «Нилуфар» номли болалар боғчаси ҳамда Муқимий номли урта мактаб негизида болаларни мактабга тайёрлаш гуруҳи ташкил этилиб, унда жажжи угил-қизларни алифбосиз ўқитиш усули кенг қўлланилди. Натижа кутилгандан ҳам аъло бўлди. Чиройли ёзиш, ифодали ўқиш ва равон фикрлашни урганган 53 нафар боғча тарбияланувчилари туғридан-туғри бошланғич мактабнинг иккинчи синфига қабул қилинди. Бу ибратли тажрибани жорий ўқув йилида ҳам туман миқёсида кенг оммалаштириш кўзда тутиляпти.

Севин ОЧИЛОВ,
Касби тумани халқ таълими бўлимининг бош мутахассиси.



Ўқитувчиларнингиз нэсоғидан



«ТОНГ ЮЛДУЗИ»М

«Тонг юлдузи»м,
Онги юлдузим.
Ўқиш-ишда
Бонг юлдузим.
Варақлайман
Юзларингни.
Мағзин чақиб
Сузларингни.
Болалигим
Хар лаҳзаси
Саҳифангда
Кувноқ саси.
Зиё боғим
Оппоқ нурсан.
Хаётимга
Кузгудирсан.



ЎЗБЕКИСТОН

Олтин бешик — диёримсан,
Ширин аллам, алёримсан,
Ҳам фахриму ҳам оримсан,
Ўзбекистон Ватанимсан,
Гуллаётган чаманимсан.
Осмонингда порлоқ куёш,
Барча эллар, аҳил сирдош,
Толенинга тинчлик йулдош,
Ўзбекистон Ватанимсан,
Гуллаётган чаманимсан.
Темур бобо ғолиб утган,
Навоийни шоир этган,
Бу оламни қойил этган,
Ўзбекистон Ватанимсан,
Яшнаётган чаманимсан.
Истиқлолнинг — истиқболнинг,
Ортаверсин дусту ёринг.
Булёин тангрим мададкоринг,
Ўзбекистон Ватанимсан,
Гуркираган чаманимсан.

Вали АХМАДЖОН,
Фаргона вилояти, Бағдод
туманидаги 3-мактабнинг
бошланғич синф ўқитувчиси.

Мақсудбек ака Худойберганов, Комилжон ака Тожиёв вилоятимиз ДАН ходимларидир. Улар бизнинг мактабга тез-тез келиб, йул ҳаракати қоидаларини урганишга, турли мусобақалар утказишга ёрдамлашиб турадилар. Яқинда ана шундай учрашувлардан бири бўлиб утди. Суҳбат мавзуи ҳар йили мактабимизда утказиб келинадиган «Яшил чироқ», «Хавфсиз гилдирак» деб аталадиган беллашувларнинг якунларига бағишланди. Утган йили бундай беллашувлар аввало синфлар уртасида, кейин мактаблараро бўлиб утган эди. Унда мактабимизнинг «Оқ йул» гуруҳи фаол қатнашиб, ғолиб



«ХАВФСИЗ ГИЛДИРАК»НИНГ ҚОЙДАСИ

чиққан ва республика ўқувчиларининг «Яшил чироқ» телевизион мусобақасида биринчиликни олишган. Кейинроқ эса Фаргона шаҳрида бўлиб утган «Ёш назоратчилар» слётида қатнашиб фахрли иккинчи уринни эгаллашганди.

Нихоят шу йилнинг январь ойида «Яшил чироқ» телевизион мусобақаларининг якуни бўлиб, бу беллашувда 48 очко тушлаган мактабимиз ёш назоратчилари биринчиликни эгалладилар. Галабага гуруҳ аъзоларидан А. Юсупов, М. Жумабоева, С. Авезов, О. Матёқубов ва бошқалар катта ҳисса қушишди.

Шу кунларда гуруҳ аъзолари республика ички ишлар вазирлиги ДАН бошқармаси ташаббуси билан утказилаётган «Диққат, пиёда!» деб номланган тadbирда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

З. МАТРАСУЛОВА,

Хоразм вилояти, Янгиарик
туманидаги А. Қодирий номли
мактабнинг болалар ва ўсмирлар
етакчиси.



ЎҚИТУВЧИЛАР ЙЎҚ ЭМИШ...

Фарзандларим Чироқчи туманидаги А. Навоий номли мактабда таҳсил олишади. Ҳар тонг барвақт туриб, уларни мактабга кузатаман. Лекин соат 11ларга қолмай қайтиб келиб қолишади.

— Нима гап? Барвақт қайтиб келибсизлар? — сурайман улардан.

— Дарс булмади, муаллимлар йўқ эмиш, — дейишади мамнун оҳангда.

Ҳар куни шу аҳвол. Фарзандларим болалигига бориб, қанча дарс булмаса, шунча хурсанд бўлишади. Айни билим оладиган олтинга тенг

У қуюниб-қуюниб, бутун вужуди билан берилиб сузларди. Гапирарди-ю, бирон бир сузи тингловчисига тушунарсиз бўлиб қолишидан чучигандек, суҳбатдошига диққат билан разм солиб дерди:

— Қаранг, бу болалар меҳнати-я, бир тоннага яқин қоғоз чиқиндилари, турт тоннага яқин темир-терсак қор остида

қиши билан қолди. Бунга болаларнинг озмунча меҳнати кетдими, ахир?! Улар шунча хом ашёни пул учун эмас, она Ўзбекистонимизнинг равнақи учун йиғишган. Йўқ, шубуғуноқ унинг кетига тушмасам бўлмайди...

Бу сузларни мен бундан йигирма йиллар бурун қирқ беш ёшли болалар ва ўсмирлар етакчиси Мусо Ҳамроевдан эшитгандим. Уни тинглар эканман, чехрасидаги фақат болаларгагина хос оддийлик ва тўғрилиқ, бажараётган ишига меҳр ва ғайрат, бахтиёрлик ҳавасимни келтирганди.

Рости, уша вақтда ҳам Мусо Ҳамроев ёшидаги «вожатий» етакчини топиш амри маҳол эди-да. Чунки бу соҳага келганлар номигагина «ҳа», «ху» деб икки-уч йилни утказишар ёки директорнинг юғурдагига айла-

Катта устоз ҳақида кичик сўз

ниб қолишар, ўқишга илиниб олишгач эса ё ўқитувчиликка ёки бошқа «обрулироқ» ишга узини уриб кетишарди. Мусо ака ватанига, халқига қанчалик

«САРМОЗОР»ЛИК ЕТАКЧИ

садоқатли бўлса, касбига ҳам шунчалик садоқатли эди. Унинг мактабда ҳам, туман халқ таълими бўлими, ёшлар иттифоқи туман қўмитасида ҳам уз хурмати, сузининг вазни бор эди.

Шундан буён қанча сувлар оқиб утди. Бу билим даргоҳига кимлар келди, кимлар кетди. Мусо Ҳамроев 44 йиллик етакчилик фаолиятининг 31 йилини Фаргона вилояти, Охунбобоев туманидаги 50-мактабда утказди.

«Шифокор касалнинг соғайишига, қурувчи бинони уз вақтида сифатли битишига, ўқитувчи ўқувчисининг билими, тарбиясига жавобгар. Етакчи эса ҳар бир боланинг ўқиши-ю, юриш туриши, ахлоқ-одоби, меҳнати, ҳулилас, энг яхши одам бўлишига жавобгар. Чунки у етакловчи-да», деган эди устоз.

Мусо аканинг сузларига биз ҳам қўшимча қилмоқчимиз. Олтмиш беш баҳорни қаршилаган умрининг 44 йилини етакчиликдек масъулиятли ишга бағишлаган сиздек устоз мустақил Ўзбекистонимизда қупаяверсин.

Айни кунларда Мусо Ҳамроев етакчилик қилаётган Охунбобоев туманидаги Низомий номли мактаб ўқувчилари ёзги таътил учун аниқ ҳаракат режасини тузиб олишган. Мана, улардан айримлари: Болалар ёз кунлари ҳам «Одамларга шодлик келтирайлик!» шиори остида мактаб атрофидаги елғиз кишилар, ногирон кексалар, уруш қатнашчилари ҳолидан доимо хабардор бўлиб туриш ниятидалар. Дустлик клуби аъзолари республикамизнинг 26 шаҳар ва қишлоқларидан хат олиб туришади. Уларга жавоб ёзиш режалари ҳам тузилган.

Т. АХМЕДОВА.

Ташвишли мактуб

Болалар буш вақтларида нима билан шуғулланишларини биллолмай, гаранг бўлишади. Газета, журналлар, телевидение орқали ёш иқтидорли болалар ҳақида ўқиб, томоша қилиб, уларга чин дилдан ҳавас қиламан. Менинг фарзандларим ҳам улардек тугарақларга мунтазам қатнаб, касб-хунарли, билимли бўлиб улгайишларини жуда-жуда истардим...

Б. ҚОДИРОВА,
Қашқадарё вилояти,
Чироқчи тумани, Гангар
қишлоғи.

1986 йилнинг ёзи. Республикада Файзулла Хужаев таваллудининг 90 йиллигига тайёргарлик кетарди. У кишининг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолият қирраларини ёритувчи бир қатор эссе, очерк, мақолаларим матбуотда эълон қилинди.

Кунларнинг бирида Ф. Хужаевнинг ёлғиз қизи Вилоят Хужаева йўқлаб қолдилар. Бордим. Бир оз бетоб эканлар.

— Сизнинг «Садриддин Айний ва Файзулла Хужаев» деб номланган рисола-адабий асарини қайта-қайта ўқиб чиқдим. Отам ўз кўзидан кейин ёзилган биринчи рисола бўлса керак. Бошланиши ёмон эмас, фактлари анча бой, — деди мени ноқулай вазиятга солиб.

— Отам чин инсон, халқпарвар, маърифатпарвар, ватанпарвар, довжорак эдилар. Бобом Убайдуллахужадан қолган олтинларнинг барини ҳукуматга топширганлар.

Уша, 1937-1938 йиллардаги даҳшатли воқеаларни эсласам, эгим жимирлаб кетади. Ўзбек халқининг чин фарзандлари Акмал Икромов, Назир Турақулов, Абдулла Раҳимбоев, Турар Рискүлов, А. Фитрат, Собир Юсупов, Абдуқодир Муҳиддинов, Иномжон Хидиралиев каби улмас сиймолар ҳақида қанча ёзилса оз.

1986 йилда ёш ёзувчи ва драматург Шароф Бошбеков билан ҳамкорликда ёзган икки серияли киносценарийларининг ҳам ўқиб чиқдим. Ёмон ёзилмаган. Муҳими, ҳаётнинг ҳақиқат тарихий ҳужжатлар билан уйғунлашган. Ҳатто Бухоро халқ шўролар жумҳурияси тарихи ва Ф. Хужаев туғрида китоб ва мақолалар ёзган О. Э. Эшон ҳам отамнинг 1925-1937 йиллар ижодий фаолиятини тула

Элим, юртим дея жон берганлар

Мажид Ҳасаний кўп йиллардан буён собиқ совет тузуми даврида қатагон қилинган адиблар, давлат ва жамоат арбоблари ҳаёти ва фаолиятини ўрганиб, тадқиқотларидан ўқувчиларни ҳам баҳраманд этиб келаяптилар. Бунга олимнинг «Садриддин Айний ва Файзулла Хужаев», «Айний чамани», «Тарих ошкоралик нигоҳида», «Файзулла Хужаев», «Туркистон босқини», «Мавлоно Фитрат» каби ўнлаб китоблари, рисолалари мисол бўлади.

Яқинда Мажид Ҳасаний Файзулла Хужаев ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти туғрисида ҳикоя қилувчи «Истиқлол чавандози» деб номланган янги китобини ёзди. Қуйида сиз «Шундай ота қайда бор!» бобидан парча ўқийсиз.



ёритиб берган эмас. Мана узингиз ҳам уша йиллардаги сермахсул, серқирра ижодий фаолияти ҳақида тулик ёзмагансиз. Эндиги қилинаётган ишларда тадқиқотчилар уша, ун икки йиллик бушлиқни тулдиришлари зарур.

Вилоят опанинг бу таъкидлари Ф. Хужаев ҳақидаги келгуси ёзиладиган асарлар учун дастур бўлса ажаб эмас, деб уйлайман.

дейиш керак», дедилар. — Отамни 1937 йилда ҳибсга олишгач, мол-мулкимизни мусодара этиб, оиламиз билан Сибирга сургун қилишди. Бу фожели ҳаётни гапиришдан не ҳожат. Душманимнинг ҳам бошига солмасин. Отамнинг бошига ёғилган ноҳақлик, адолатсизлик, катта онам Райҳон Саидмурод қизи, онам Малика Муҳаммаджон қизи, аммам Робия Убайдуллахужа қизи ва бошқа қарин-

бахти қаро гушасига улоқтирди.

У кузларидаги ёшни артди-да, ички бир дард билан хўрсиниб олди. «Сибирнинг даҳшатли совуқларида оғиз очолмай шамдек қотиб улгандан кура, уз юртингнинг жазирама иссиғида, майли, ташна ҳолда мажолсиз само юлдузлари, мусаффо осмону фалакни кўриб жон берганинг минг бор афзал» деган сузларни менга улим олтидан меҳрибон онам айтгандилар. Волидамни-

ёшдаги аёллар, қизлар оёқма-оёқ тиқилишиб ётардик. Машҳур рус ёзувчиси Галина Серебрякова ҳам уша ерда эди. Йигирманчи йилларда «Известия» газетасининг Туркистондаги мухбири вазифасида ишлаган бу доно ва ақлли аёлдан отам ҳақида кўп нарсаларни сураб билиб олгандим. «Отангиз баҳоси йўқ одам эди. Таъбир жоиз бўлса, мен Файзуллани Энгельс билан қиёслашим мумкин» деганди.

Сибирдаги махбуслар ётоқхонаси — баракларнинг ифлослиги, совуқлиги, бериладиган овқатнинг сифатсизлигидан жабрдийдалар турли касалликларга чалиниб, оламдан тезда кўз юмишарди. Энг хавфлиси — цинга касаллиги эди. Бу билан оғриган беморлар «С» дармондориси етишмаслиги (пиёз, саримсоқ истеъмол қилинмаслиги)дан оғиздаги тиш батамом тукилиб кетарди. Шахсан мен Сибир сургунидан соғ тиш билан қайтган одамни учратмадим.

Эндиликда бу машъум

ВИЛОЯТ ХҲҲАЕВАНИНГ ДЕГАНЛАРИ

(Тарихий очерк)

СИБИР ДАҲШАТЛАРИ АЁЛ ТАҚДИРИДА

Ҳар гал мен суҳбат орасида Сибирдаги махбуслар ҳаётдан гап бошласам, Вилоят опа (1920-1987) гапни бошқа томонга буриб, менга маъноли қараб кўярдилар. Бу сафарги суҳбатимизда опанинг кайфияти анча кутаринки эди.

— Уғлим Азизни кутаяпман. Москвадан келиним, невараларим келади. Сиз ҳам меҳмонимиз булинг, — деб қолдилар.

Айтишларича, келинлари москвалик рус қизи экан. Улар ўқиш даврида бир-бирларини севиб турмуш қуришибди.

Меҳмонларнинг келишига ҳали икки-уч соат вақт бор эди. Опанинг димоғи чоғлигидан фойдаланиб, гапни Сибирдаги ҳаётига бурдим.

У киши аввалига «Сибирни эслатиб нима қиласиз, у ер соғлигим борлигимнинг заволи булдику, демокчидай қарадилар. Шунда мен «Сибир» сўзининг маъноси — «сувли ер» дегани экан. Уни қаердадир ўқиганим бор» дедим. Опа кулиб «Сибир — сувли ер эмас, музли ер

дошларимизнинг бошини ёрди.

Онам меҳрибон, мунис, ёрига вафодор оддий дехқон қизи эди. У сиёсатга унча аралашмаса ҳам, кундалик ҳаёт воқеаларидан ақл-идрок билан хулоса чиқара оладиган оқила аёл эдилар. Ҳикоя қилишларича, мен дунёга келгач, исм қуйишда отам билан баҳслашиб қолган эканлар. Онам — Жамила, Отам — Вилоят қўяман, дебдилар. «Амир зулмидан озод ва бахтиёр яшаётган Бухоро вилоятининг энг бахтиёр фарзанди булсин», дея Вилоят деб атадилар. Минг афсуслар булсинким, тақдир мени — Бухоронинг «бахтли фарзанди»ни ер юзининг энг

нг совуқдан қотиб қолган юзларидаги ёш томчиларини силарқанман, бошимизга бу машъум кунларни солганларга ич-ичимдан лаънатлар айтардим. «Болам, омон бул, шўр пешонамизга шу қисматлар битилган экан, осмон йироқ, ер қаттиқ. Лекин ойнинг ун беши қоронғу бўлса, ун беши ёруғ булади, шояд адолатли замон келиб, озодлик шабадалари эсса, ушанда менинг руҳим шод буларди», сингари сузлари қулоғим остидан кетмайди.

— Сизлар яшаётган баракда бошқа аёллар ҳам бормиди?

— Турли миллат, турли

кунлар бамисоли эртака ухшаб қолди.

— Сургундан сизнинг омон қайтганингиз халқимизнинг, қолаверса, Файзулла Хужаевнинг неваралари Саъдулла, Азиз, Қосим (Константин)ларнинг бахти. Отангизнинг ҳаёт йули, у кишининг оддийлиги, камтарлиги, хуллас барча фазилатлари ҳақида сиздан эшитмоқчи эдим?..

— Отам узлари ҳақида гапиришни, кўтар-кўтарларни ёқтирмас эдилар. Рус ёзувчиси Галина Серебрякова ёзганидек: «Узи ҳақда бор-йўғи икки варақина таржимаи ҳол қолдириб кетган».

(Давоми бор)



Қадимий Урда куприги яқинидаги куп қаватли уйларнинг бирдан шошиб чиққан усмир Навоий кучаси бўйлаб шаҳдам кета бошлади.

Дабдурустдан ундан «қаёққа?» деб сураб қолинса жавоб беришга уйланиб қолиши аниқ. Сабаби, хаёлини туну кун сайёҳ булиш, ер юзини айланиб чиқиш орзуси чулғаб олганди.

— Болам, ҳозирча биз билан Қора денгиз, Москва, Чименни саёҳат қилиб тур. Дунё кезиш катта булганинда қочмас, —

Болаликка содиқ инсонлар

риндори, «Солнишко» республика болалар газетаси бош муҳаррири Еқуб ака ХУЖАЕВнинг болалик хотираларидан олинди. Куйида ана шу камтар, самимий ва болажон инсон ҳақида қисқача ҳикоя қиламиз.

Урта мактабни битирган бўлгуси ёзувчи Тошкент метеорология техникумида ўқиди. Кейин ер қимирлаши сабабларни биламан.

ларни биламан.

— **Биринчи китобингиз?**

— Биринчи китобим бундан уттиз йил аввал чоп этилган. Кейин танланган шеърлар, повестлар, шу жумладан, автобиографик ва саргузашт китобларим рус, украин, татар, қорақалпоқ, белорус ва бошқа тилларда босилиб чиққан.


— **Нимадан кўпроқ кувонасиз ва аксинча?**

— Мустақил Ўзбекистонимиз тобора гуллаб-яшнаётгани, иқтидорли ёшлар сафи кундан-кунга кенгаётгани, лицей, гимназия, коллежларда чет тиллари, миллий мусиқамиз, тарихимизни чуқур урганишга эришганидан, фарзандларимизга хорижда ўқиш имконияти яратилаётганидан беҳад кувонаман. Чунки улар Ватанимиз кучига куч, қудратига-қудрат қўшилади-да.

Лекин улар орасида баъзан дангасалар, дарсдан қочувчилар учраб туриши, китобхон ўқувчиларнинг кўпчилигини фақат қизлар ташкил этиши, ўғил болаларнинг эса майда тижоратга узларини ураётганликлари, ҳар қандай фойдали иш ҳам билимсиз ва китобсиз бўлмаслигига аҳамият беришмаётганидан бир оз ташвишдаман.

— **Режаларингиз?**

— Жуда куп ва улар узоққа мулжалланган. Булар — 2000 йилнинг машҳур изқувари бўлмиш Файрат — Вундергай саргузаштларининг давомини ёзиш. Унинг номи «Ун учинчи вагон» деб аталади. Газетада босилган парчаларни ўқиган болаларнинг ёдида бўлса керак. Поезддаги саёҳат вақтида икки ёш қаҳрамон йул қароқчилари тудасини



фонш этишади. Болаларни ва ҳимоясиз бечораларни жондан ортиқ севувчи гаройиб олим ҳақидаги повестнинг режаси тайёр. Булардан ташқари турли мавзуларда, шу жумладан фантастикада (фильмлар сценарийсида) узимни синаб куриш. Қани энди бу орзуларнинг барига вақт, маҳорат, имконият етса...

— **«Тонг юлдузи»га тилакларингиз?**

— Яна уч йилдан сунг «Тонг юлдузи»нинг 70 йиллик туйи нишонланади. Баъзи пайтлар унинг тиражи миллиондан ҳам ошган. Газетанинг болалар орасида ҳам, катталар даврасида ҳам дустлари куп. Бозор шароити-

нинг қийин даврлари ортда қолди. Мана, ҳафтасига у аввалгидек икки мартаба, рангли тарзда чоп этилаётган. Ва ҳар доимгидай барча саволларга жавоб берувчи, усмирларнинг ажойиб дусту, ҳамкори, яқин маслаҳатгуйи булиб қолади. Бунга таҳририят жамоасининг имконияти бор.

— Сиз ҳам узоқ йиллар бизнинг ҳозиржавоб муаллифларимиздан булиб қолинг.

Сухбатдош: Т. СОЛИЕВА.



қатъий сўзни айтишди ота ва она.


Орадан бир неча йил ўтди.

Энди булса унга нега шамол эсади, ёмғир нима учун ёғади, ахир ер қимирлашнинг аниқ вақтини одамларга олдиндан айтиб бериш мумкин эмасми? Ана шунда куриладиган талофатларнинг олди олинган булармиди? деган саволлар тинчлик бермай қўйди...

Ушбу сатрлар сеvimли болалар ёзувчиларидан яна бири, Ўзбекистон ёзувчилари ва журналистлари уюшмалари аъзо-си, бир қанча мукофотлар сов-

рини урганувчи станцияда ишлади. Худди шу даврда болаликдаги яна бир қизиқиш «лоп» этиб юзага чиқиб қолди. Ушунда у узича шеърлар, ҳикоялар ёзиб юрар, ҳатто уларнинг кўпчилиги матбуотда ҳам эълон қилинган эди.

— Отамнинг анчагина бой кутубхонаси булиб, бешинчи синфдалиқ пайтимда, — ҳикоя қилади Еқуб Хужаев, — ўзбек, қозок, тожик классиклари адабиётларини сеvim ўқирдим. Биринчи устозларим деб Жюль Верн, Александр Дюма, Марк Твен, Конан Дойл каби ёзувчи-



ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларнинг газетаси

Бош муҳаррир
Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Сайридин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0198. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Маъзиларимиз: 700083,
• Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси,
• 32-уй.
• Телефон:
• 33-44-25